

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 6-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи К.Гафуров ва унинг ҳимоячиси Х.Абдурахмоновнинг иштирокида, Гафуров Каримбердига нисбатан 1-1513-2201/387-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Гафуров Каримберди (Gafurov Karimberdi), 1953 йил 19 июлда Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, беш нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, Марғилон шаҳар, “Ватан” маҳалла фуқаролар йиғини, Атласчи кўчаси, 11-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Гафуров Каримберди яшаш хонадони томорқасида экиш ва етиштириш қонун билан тақиқланган “Кўкнори” ўсимликларини экиб, алоҳида ишлов берган ҳолда парваришлаб келган.

2022 йил 11 май куни Марғилон шаҳри ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2022” тадбир давомида, Марғилон шаҳар, “Ватан” маҳалла фуқаролар йиғини, Атласчи кўчаси, 11-уйда яшовчи К.Гафуровнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг томорқасида 55 туп “Кўкнори” ўсимликлари қонунга хилоф равишда экилиб, парваришлаб келинаётганлиги аниқланиб, ушбу ўсимликлардан намуналар олиниб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 14 майдаги 461-сонли хулосасига кўра, К.Гафуровнинг яшаш хонадони томорқасида аниқланган ўсимлик намуналари таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб, бۇ ўсимлик “Кўкнори ўсимлиги” барглари эканлиги аниқланган.

Тошлоқ туман Қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосасида, К.Гафуровнинг яшаш уйи томорқасидан аниқланган 55 туп “Кўкнори” ўсимликлари алоҳида агротехник парвариш бериб ўстириляётгани кўрсатилган.



Республика Ихтисослаштирилган наркологик илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг 2022 йил 27 майдаги 325-сонли далолатномасига кўра, К.Гафуровда наркологик касалликлар аниқланмагани кўрсатилган.

Судланувчи К.Гафуров суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил 11 май куни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келишиб, хонадонини кўздан кечиришиб, томорқасида 55 туп “Кўкнори” ўсимликларини ўсиб турганини аниқлашгани, ушбу ўсимликлар 2022 йил баҳор ойларида томорқасида кашнич ва укроп уруғларини эккан вақтида бирга униб чиққани, ушбу кўкнори ўсимликларни дориликка ишлатиш учун юлиб юбормасдан, парвариш қилиб келгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи К.Гафуров ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан :

-гувоҳ Х.Гафуровнинг суддаги, К.Гафуров турмуш ўртоғи бўлишини, 2021 йил 11 май куни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келишиб, хонадонини кўздан кечиришиб, томорқасида 55 туп “Кўкнори” ўсимликларини ўсиб турганини аниқлашгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу ўсимликлардан намуналар олишиб, қолган қисмини ёқиб юборишгани, ушбу ўсимликни қандай ўсимлик эканини билмагани, ушбу ўсимликларни турмуш ўртоғи К.Гафуров парваришлаб келгани ҳақидаги;

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Х.Якубов ва Д.Амоновнинг терговдаги кўрсатувлари;

-шунингдек, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган хонадонни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.5-11), суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси (и.в.18-19) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, судланувчи К.Гафуровнинг тақиқланган 55 туп “Кўкнори” ўсимликларини томорқасида қонунга хилоф равишда етиштиришда ифодаланган жинойи ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи К.Гафуровга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, Жиноят кодекси 55-моддасига асосан муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва нафақахўрлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида



кўрсатилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган, жиноят ишида конвертда сақланаётган “Кўкнори” ўсимликлари барглари намуналарини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Гафуров Каримберди (Gafurov Karimberdi) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Гафуров Каримбердига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 21⁰⁰дан 8⁰⁰га қадар чиқишни чеклашдан иборат 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Гафуров Каримбердига жазо ўташ давомида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) юклансин:

- маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Жазони ўташ жойи, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, “Ватан” маҳалла фуқаролар йиғини, Атласчи кўчаси, 11-уй ҳисоблансин.

К.Гафуровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

К.Гафуровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган “Кўкнори” ўсимликлари намуналари ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

